



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 31 » avgust

№ 481

Toshkent sh.

Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлариغا қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда вакцинация жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали соҳада шаффоффикни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “йўл харитаси”да ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш ҳамда замонавий ва шаффоффик механизмлар асосида молиялаштиришни назарда тутувчи янги тизим жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** (кейинги ўринларда – Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансан:

ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ва фойдаланиш учун рухсат этилган вакциналар билан ўтказиш;

вакцинация тадбирларини ўтказиш ва мазкур жараённи давлат ветеринария хизмати томонидан мониторинг қилиб бориш;

вакцинация тадбирларини ҳар бир туман (шаҳар)да маҳсус эмлаш гуруҳлари томонидан клиник жиҳатдан соғлом ҳайвонларда ўтказиш;

вакциналарни ҳар йили шакллантириладиган рўйхат асосида ҳайвон турлари ва вакциналар қўлланадиган худудлар бўйича белгиланган микдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

икки ой муддатда Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти талаблари ҳамда унга аъзо бўлган хорижий давлатлар тажрибаси асосида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш бўйича тегишли йўриқномаларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2022–2024 йилларда халқаро ва хорижий молия институтларининг грантлари ҳисобидан давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда зарур жиҳоз ва техникарни харид қилиш ишларини амалга оширасин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат ветеринария хизмати томонидан ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларининг ташкил этилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ганиев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “31” августдаги 43-сон қарорига
илова

**Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация
тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат, идоравий ва ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматлари томонидан ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини (кейинги ўринларда – вакцинация тадбирлари) ўтказиш ва молиялаштиришни замонавий ва шаффоф механизмлар асосида амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

вакцина – организмда маълум бир антигенга қарши иммунитет ҳосил бўлишини таъминловчи биологик препарат;

вакцинация тадбирлари – эпизоотиянинг олдини олишга, уни аниқлашга ёки тугатишга доир ташкилий ва маҳсус ветеринария тадбирлари тизими;

ветеринария – ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилиниши, ҳайвонлар касалликлари пайдо бўлиши тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатишни, аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси худудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш, ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудининг ветеринария осойишталигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилған илмий ва амалий фаолият соҳаси;

ветеринария осойишталиги – ҳайвонларнинг соғлиғига салбий омилларнинг заарли таъсирлари, эпизоотия мавжуд бўлмаган, шунингдек, ҳайвонларнинг яشاши учун кулай шарт-шароитлар таъминланадиган ҳолат;

эпизоотия – тегишли худудда ҳайвонларнинг ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликлари тарқалиши;

эпизоотияга қарши тадбирлар – эпизоотиянинг олдини олиш, уни аниқлаш ёки тугатишга доир ташкилий ва маҳсус ветеринария тадбирлари тизими;

ҳайвон – юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган қорамол, қўй, эчки, от, тuya, эшак, ит, мушук, чўчқа, парранда, балиқ, асалари, ёввойи ҳайвонлар, ҳайвонот боғи ва цирк ҳайвонлари;

ҳайвонларнинг юқумли касалликлари – ҳайвонларга касалликларнинг қўзғатувчилари таъсири сабабли пайдо бўладиган, тарқалиш ҳамда бошқа ҳайвонлар ва одамга ўтиш эҳтимоли мавжуд бўлган касалликлар.

3. Вакцинация тадбирлари мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли ҳайвонларда ўтказилади.

4. Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирлари ушбу Низомга иловада келтирилган схемада белгиланган тартибда ўтказилади.

2-боб. Вакцинация тадбирларини ўтказиш тартиби

5. Вакцинация тадбирларини ўтказишнинг асосий мезони мониторинг маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) томонидан ҳар йили 1 октябрга кадар ишлаб чиқилган прогнозга асосланади.

6. Вакцинация тадбирларини ўтказишда жисмоний ва юридик шахслар, давлат бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳам ҳисобга олинади.

7. Кўмита ветеринария осойишталигини таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ва улар тарқалишининг олдини олишга доир эпизоотияга қарши тадбирлар бўйича доимий равишда мониторинг юритади.

8. Вакцинация тадбирлари маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш бўйича қўлланмага мувофиқ белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ва фойдаланиш учун рухсат этилган вакциналар билан ўтказилади.

9. Кўмита эпизоотия бўйича тизимли мониторинг натижаларига асосланиб, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига худудларни ўрганиш ва эпизоотияга қарши курашиш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида тезкор хабар беради.

10. Вакцинация тадбирлари Кўмита томонидан тасдиқланган ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши курашиш тадбирлари бўйича йўриқномага мувофиқ ўтказилади.

11. Кўмита, Корақалпогистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий бошқармалар) ва туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари (кейинги ўринларда – туман (шаҳар) бўлимлари) вакцинация тадбирларининг ўтказилишини назорат қиласиди.

12. Мониторинг олиб бориш учун юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва уларни йўқотиш бўйича маълумотлардан (носоғлом

худуднинг географик жойлашуви, юқумли касалликларнинг ўчоғи ва ўлган ҳайвонларнинг сони, лаборатория-экспертиза хulosаси ва бошқалар) фойдаланилади. Ушбу маълумотлар белгиланган тартибда расмий ҳисботлардан олинади.

13. Маълумотларнинг бир қисми ўрганилаётган худудни тўғридан-тўғри кузатиш, текшириш, шунингдек, эпизоотик текширув орқали олинади.

3-боб. Вакцинация тадбирларини ўтказишда мониторинг юритиш тартиби

14. Кўмита ва унинг худудий бошқармалари ҳамда туман (шахар) бўлимлари вакцинация тадбирларининг доимий равишида мониторингини юритиб боради.

15. Мониторинг эпизоотик носоғлом худудлар тўғрисидаги маълумотларини тўплаш, клиник, патологоанатомик ва лаборатория текширувлар ўтказиш, касалланиш динамикаси, ҳайвонларни боқииш ва озиқлантириш, чорвачиликнинг ветеринария-санитария ҳолати, ветеринария хизматининг сифат даражаси ҳамда эпизоотик ўчоқни кузатиш ҳамда бошқа усуллар ёрдамида олинган маълумотларни баҳолаш орқали ҳам юритилади.

16. Мониторинг давомида мавжуд вазият аниқланади, эпизоотик ўчоқлар мониторинг қилинади ва олинган маълумотлар баҳоланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилади.

17. Мониторинг натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бўйича вакцинация тадбирлари ўтказилади ҳамда муентазам назорат ўрнатилади.

4-боб. Вакцинация тадбирларини ўтказиш мезонлари

18. Вакцинация тадбирлари клиник текширувлардан ўтган соғлом ҳайвонларда ўтказилади.

19. Агар ҳайвон касал бўлса ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, вакцинация ушбу ҳайвон тўлиқ тузалгунига қадар кечикирилиши мумкин.

20. Вакцинация тадбирлари вакциналар сақланадиган музлаткич, мутахассис иш столи, ҳайвонларни маҳкамлаш столи, асбоблар ва дори-дармонлар учун маҳсус шкафлар, стерилизатор билан жиҳозланган алоҳида хоналардан иборат ветеринария клиникаларида ўтказилиши ҳамда биноларнинг деворлари ҳамда поллари тозалаш ва дизенфекциялаш осон бўлган материаллар билан қопланган бўлиши керак.

21. Вакцинация тадбирлари ҳар бир туман (шахар)да ветеринария ходимлари томонидан ўтказилади.

22. Вакцинани фойдаланишга бериш даврида вакцинани қўллаш билан шуғулланадиган ветеринария ходимларига тегишли тушунтиришлар берилади.

5-боб. Вакциналарни харид қилиш тартиби

23. Кўмита томонидан ўта юқумли касалликларнинг тарқалиш ҳолатидан ҳамда қўшни мамлакатлар билан чегарадош худудларда ушбу мамлакатлар томонидан расмий равишда эълон қилинган касаллик турларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун харид қилинадиган вакциналар рўйхати ҳамда миқдори ҳайвонлар турлари, қўлланадиган худудлар бўйича календарь йилнинг 1 июнига қадар аниқланади.

24. Харид қилинадиган вакциналарнинг турлари ва миқдоридан ҳамда уларнинг кутилаётган баҳосидан келиб чиқиб, кейинги йил Давлат бюджети параметрларида назарда тутилиши зарур бўлган маблағ ҳисоб-китоб қилинади.

25. Кўмита томонидан вакциналарни харид қилиш учун талаб этиладиган маблағ ҳисоб-китоби асосида қонунчиликда белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет сўрови киритилади.

26. Вакциналарни харид қилишда шаффофликни таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқарувчининг ёки препаратнинг аниқ номи кўрсатилишига йўл қўйилмайди ва фақат препаратнинг таъсир этувчи моддаси номи кўрсатилади.

27. Вакциналар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида харид қилинади.

6-боб. Вакциналардан фойдаланиш ҳисобини юритиши

28. Вакцина ҳар бир худудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимнинг маҳсус жиҳозланган омборларида (шкаф ва музлаткичларда) сақланади.

29. Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси, худудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан сарфланган ҳар бир препарат бўйича ҳисбот электрон дастурда юритилади ҳамда унда препарат қўлланилган ҳайвон эгаси, ҳайвон тури, қўлланилган препарат миқдори, санаси бўйича маълумотлар тўлиқ акс эттирилади.

30. Вакциналарни қўллаш тақрорийлиги мазкур препаратларни қўллаш бўйича белгиланган меъёрдан ортишига йўл қўйилмайди.

7-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хайвонларнинг ўта хавфли юқумли
касалликларига қарши вакцинация
тадбирларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
илова

**Хайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация
тадбирларини ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Вакцинация тадбирларини мониторинг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган прогнозга асосан ўтказиш.	Ҳар йили 1 октябрига қадар
2-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	Вакцинация тадбирларини ўтказишида жисмоний ва юридик шахслар, давлат бошқаруви органлари томонидан маълумотлар тақдим этилиши.	Доимий равища
3-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Ветеринария осойишталикни таъминлашда хайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир эпизоотияга қарши тадбирлар бўйича мониторинг хulosаларини тақдим этиш.	Доимий равища, ҳар ойнинг якунидা
4-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	Эпизоотия бўйича тизимли мониторинг натижаларига асосланиб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига худудларни ўрганиш ва эпизоотияга қарши курашиш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида тезкор хабар бериб бориши.	Доимий равища
5-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Вакцинация тадбирлари ўтказилишини назорат қилиш.	Доимий равища

6-босқич	туман (шаҳар) бўлимининг ветеринар ходимлари (максус эмлаш гурухлари)	Вакцинация тадбирларини ҳар бир ҳудудда ўтказиш.	Ҳар йили тасдиқланадиган касалликларга қарши курашиш тадбирлари бўйича йўриқномага мувоғик
7-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Ўтказилган вакцинация тадбирлари бўйича ҳисоботни Қўмитага тақдим этиш.	Тадбирлар якуни бўйича
8-босқич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Ўта юқумли касалликларнинг тарқалиш ҳолатидан келиб чиқиб келгуси йил учун харид қилинадиган вакциналар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Кўмитага тақдим этиш.	Ҳар йил 1 июня қадар

